

мансаб»ларни эгаллаганидан сўнг Ватан равнақи учун хизмат қилармикан? Аёллар орасида иш олиб бориш эса миссионерлар учун «бир ўқ билан уч қуённи уриш»дир. Биринчиси – аёлнинг ўзи, иккинчиси – унинг фарзандлари ва учинчиси – турмуш уртоғи. Аёлларнинг улуши баптистлар ва пятидесятниклар черковларига қатнайдиغانлар орасида 70 фоизни, адвентистлар ва «Иегово шоҳидлари» орасида 80 фоизни, пресвитериан черковларига қатнайдиغانлар таркибида 90 фоизни ташкил этиши миссионерларнинг ўз мақсадларига эришиш йулидаги хатти-ҳаракатларининг амалий натижасидир.

МИССИОНЕРЛАРГА НИСБАТАН ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР ҚўЛЛАНИЛАДИ?

Миссионерлик ва прозелитизм сингари ғайриқонуний ҳаракатларга нисбатан тегишли жазо чоралари миллий қонунчилигимизда белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 240-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиниши ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олинishi кўзда тутилган. Ушбу фаолият такрорланган тақдирда, айбдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 216-моддаси иккинчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ еҳуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЭНГ КАТТА ХАБФ – БЕФАРҚЛИК

Бундай ғаразли иллатларга қарши самарали кураш олиб бориш учун аввало бефарқ бўлмаслигимиз лозим. Бефарқлик ижтимоий иллат сифатида оғир оқибатларни келтириб чиқаришини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бугунги глобаллашув даврида ўзлигимизни, миллийлигимизни асраб-авайлаш, диний қадриятларга содиқлик туйғусини ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш,

аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш ва келгуси авлодларга бекаму кўст етказиб бериш ҳар биримизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Зеро, халқимизнинг эртанги куни, жамиятимиз истиқболи ва Ватанимиз тақдири учун дахлдор эканлигимизни унутмаслигимиз, ўз билим ва малакамизни эл-юрт манфаатлари, унинг бирлиги ва тараққиёти йулида сафарбар этишимиз лозим.

УНУТМАНГ! МИССИОНЕРЛИК ФАРОВОН
ТУРМУШИМИЗ ВА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ
КЕЛАЖАГИГА ТАҲДИДДИР.
УНГА ҚАРШИ КУРАШ ҲАР
БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗИ!



М А Н З И Л:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.
Тел: 233-99-40.
Веб-сайт: manaviyat.gov.uz
Э-почта: manaviyat@umail.uz

«Маънавият» нашриети босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй.
Буюртма №3. Адади 1000.



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ТАРҒИВОТ МАРКАЗИ

МИССИОНЕРЛИК – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРАИГИГА ТАҲДИД



МИССИОНЕРЛИК НИМА? ПРОЗЕЛИТИЗМ-ЧИ?

«Миссионер» сўзи латин тилидаги «missio» сўзидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш» маъноларини англатади. Миссионерлик фаолиятининг чуқуриси прозелитизм ҳисобланади. Прозелитизм – бирон-бир динга ишонган фуқарони мажбуран ўз динидан воз кечиш ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишни англатади.

МИССИОНЕРЛАРНИ ҚАНДАЙ ФАРҚЛАШ МУМКИН?

Миссионерлар жамиятга мослашиш, одамлар орасига киришиб кетишга жуда «уста» шахслар бўлиб, уларнинг асл моҳияти ва қиёфасини ажратиб олиш учун айрим хусусиятларга аҳамият бериш лозим. Биринчи навбатда миссионерлар сиз билан оламни яратган Аллоҳ ҳақида мулоқот юритишга интилиб, муқаддас Қуръони каримдан ва ҳадислардан мисоллар келтиришади. Миссионерлар саломатлигингиз борасида ҳам қизиқиб, сизнинг муайян дардингизни даволашга ваъда бериши мумкин. Айни шундай вақтда ундан даволаниш учун қаерга бориши кераклигини сураганингизда, агар у: «Биз хонадонларда даволаш ишларини олиб борамиз», – деб жавоб берса, суҳбатдошингиз шубҳасиз миссионер. Учинчидан, ҳар бир миссионер суҳбат охирида аллақандай китоб ёки журналларни ўқишни тавсия қилади. Сизга «бепул» таклиф қилинган китоб ёки журналнинг номлари қуйидагича бўлиши мумкин: «Сторожевая башня», «Пробудитесь», «Худонинг раҳбарлиги жаннатга йул курсатмоқда» ва ҳоказо.

МИССИОНЕРЛАРНИНГ МАҚСАДИ НИМА?

Таҳлил шуни курсатадики, миссионерликни ўзига «ҳунар» қилиб олган кимсалар ундан икки хил мақсад йўлида фойдаланишади. Биринчидан, миссионерлик орқали турли секта вакиллари каттагина бойликка



эришади. Турли бузғунчи секталар ўз издошларидан кўпроқ маблағ ундириш мақсадида қиёмат қойимнинг аниқ кунини эълон қилиш амалиётини қўллайдилар. Бундай ҳолатлар ўтган асрнинг 1914, 1918, 1925, 1941, 1982-йилларида охир замон бўлади, деган уйдирмаларда амалий ифодасини топди. Бунга ишонган айрим бадавлат одамлар умри поёнига етаётганини ҳис этгач, эзгулик, хайр-эҳсон қилишга интилиб, бор бойлигини сарфлаб, жаннатга кириб олиш иштиёқида яшайди. Мазкур ҳолатдан секта раҳбарлари унумли фойдаланишади. Иккинчидан, айрим миссионерлар сиёсий мақсадларни кўзлаб, ўз диний таълимотларини тарғиб қилиш йули билан ўзлари хайрихоҳ бўлган ғуруҳларни кўпайтириш орқали муайян мамлакат ва ҳудуд устидан назорат ўрнатишни назарда тутаяди. Шу маънода тарихда энг муросасиз, узоқ муддатга чўзилган қонли тўқнашувлар ҳам айнан диний ва миллий асосда келиб чиққанини унутмаслигимиз керак.

МИССИОНЕРЛАР КИМЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ?

Миссионерлар ўз мақсадларига эришиш учун барча услуб ва методларни қўллашга тайёр бўлади. Жумладан, бу кимсалар айрим жисмоний хасталик оқибатида оғир руҳий ҳолатга тушиб қолган ва ҳаётда моддий қийинчиликларга учраган кишиларни излаб топади ва уларга моддий ёрдам курсатишга уриниб, бундай «саъй-ҳаракат»лари билан маҳаллий аҳоли ўртасида ўзлари ҳақида ижобий фикр уйғотишга ҳаракат қиладилар.

Шунингдек, маҳаллий халқ тилида чоп этилган рангли-безакли муқовадаги китоб ва журналларни бепул тарқатиб, миллий ва диний қадриятларга ёт бўлган ўзга динлар гоёларини тарғиб этишади. Миссионерлар бошқа динларга киришга даъват этадиган лавҳалар акс этган аудио-видео материалларини аҳолига бепул тарқатадилар. Бундан ташқари, улар турли санъат асарлари кўргазмалари, спорт ўйинлари мусобақаларини ташкил этиш ва ушбу тадбир иштирокчиларига қимматбаҳо совғалар тарқатиш, айрим тиббиёт ва таълим-тарбия муассасаларига малакали мутахассис кадрларни «иш»га юбориш, якка-ёлғиз ва ёрдамга муҳтож кишиларга мактублар йўллаш, ўз сафларига қўшилганларни тез-тез моддий рағбатлантириб туриш, хорижий мамлакатларга ўқиш ёки малака оширишга юбориш ҳамда ишга жойлашишга кўмаклашадилар.

Энг даҳшатлиси шундаки, миссионерлар биринчи галда ёшларни йўлдан уришга, уларни азалий қадриятлардан воз кечишга даъват этади. Миссионерлик назариётчиси П. Джонстоун талаба ёшларни миссионерлик фаолиятининг асосий объекти деб қараб, «Дунё операцияси» китобида: «Бутун дунёда университет ва коллежларда 37 миллион талаба таҳсил олади. Уларнинг кўплари 20 йилдан сўнг йирик мансабларни эгаллашади»,– деб ёзгани бежиз эмас. Энди тасаввур қилиб кўрайлик: ёшлигидан «муртад»лик йўлини танлаган, яъни ўз эътиқодидан қайтган инсон «йирик